



«Учлик» томонидан 1938 йилнинг 22 мартида отиб ташлашга ҳукм килинган, ҳозирги Кемерово вилояти Крапивинск тумани Ново-Борчатск кишлоқ совети «Труженник» колхози колхозчиси Григорий Чазов жазога ҳукм килинган бошқа шахслар гуруҳи билан гўёки этапга жўнатиш учун чакирилган. Улар битта-биттадан камерадан чиқарилган ва биродарлар кабристони тайёрлаб қўйилган уйнинг орқасига олиб борилган. Григорий Чазов бошининг орқа қисмига камок комендантдан зарба еган, номаълум икки шахс эса унинг бош қийимини қўзларига тушириб, уйнинг орқасига олиб ўтган ва каттик куч билан чуқур ўрага итариб юборган. Ўрага йиқилиб тушгач, Чазов тагида инграб ётган одамлар танасини хис қилган. Номаълум шахслар бу одамлар устидан юрарди ва уларга

ўк узарди. Мурдалар орасида ётган Чазов кимир этмади ва шу тарика тирик колди. Махкумларни отиб ташлашда иштирок этганлар ўрани кўммасдан кетиб колгач, Чазов бир амаллаб у ердан чикиб олди ва бу жойдан 45 км масофада жойлашган колхоздаги уйига кайтиб борди. [\[1\]](#)

Кейинчалик, акаси Фёдор билан биргаликда Чазов Москвага адолат излаб келди – Михаил Калининнинг олдида борди, бу ерда улар иккаласи СССР Прокуратурасига жўнатилди. У ерда эса СССР Прокурори ўринбосари Г.Рогинскийнинг санкция билан сўрокдан сўнг ака-ука хибсга олинди ва Рогинский Фриновскийга «отиб ташлаш хакидаги хукми бепарво, эътиборсиз бажарган» шахсларни жавобгарликка тортиш зарурлиги хакида ёзди. 1938 йилнинг 20 июнида Григорий Чазов Москвада отиб ташланди, унинг акаси эса 29 июль куни Рогинскийнинг хабари бўйича ижтимоий-зарарли элемент сифатида 5 йилга камалди . [\[2\]](#)

---

[\[1\]](#) Расстрелянный дважды

[\[2\]](#) НКВД. Меморандум № 424 заместителя наркома внутренних дел СССР М. П. Фриновского всем начальникам УНКВД в дополнение приказа № 00447. 8 августа 1937 г.. istmat.info (8 августа 1937).

"Кора кунлар" китобидан, Абу Муслим